Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 8 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 190 (13.253)

Баҳоси эркин нархда

ТАЪЗИЯНОМАЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг вафоти муносабати билан хорижий давлатлар, ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари, ишбилармон ва академик доиралар вакилларидан таъзияномалар келмоқда. Мазкур таъзияномаларда ушбу қайғули дамларда Ўзбекистон раҳбарияти, халқи ва Ислом Каримовнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирилиб, сабр-тоқат тиланган.

Қуйидагилар ўз таъзияномаларини йўллаган:

Марокаш Қироли – **Муҳаммад VI**

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти – **Абдулазиз Бутефлика**

Чехия Республикаси Президенти – **Милош Земан**

Польша Республикаси Президенти – **Анджей Дуда**

Польша Республикаси ташқи ишлар вазири – **Витольд Вашиковски**

Мальдив Республикаси Президенти – **Абдулла Ямин Абдул Гаюм**

Мўғулистон Республикаси Президенти – **Цахиагийн Элбэгдорж**

Грузия Президенти – **Гиоргий Маргвелашвили**

Грузия Бош вазири – **Георгий Квирикашвили**

Грузия ташқи ишлар вазири – **Михеил Жанелидзе**

Руминия ташқи ишлар вазири – **Лазар Команеску**

БМТ Бош котибининг ўринбосари, ЭСКАТО ижрочи котиби – **Шамшад Ахтар**

Осиё тараққиёт банки президенти – **Такэхико Накао**

Жаҳон банки гуруҳи ижрочи директори – **Йорг Фриден**

Энергетика хартияси бош котиби – **Урбан Руснак**

Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти – **Сума Чакрабарти**

Германия иқтисодиёти Шарқий қўмитаси бошқаруви раиси – **Вольфганг Бюхеле**

"Хаят интернейшнл" компаниясининг Европа, Осиё ва Яқин Шарқ бўйича минтақавий президенти – **Питер Фултон**

"ЛЕМКЕН" компанияси ижрочи директори – **Антони ван дер Лей**

"Уайт энд Кейс" компанияси президенти – **Жейсон Керр**

"ИНДОРАМА" корпорацияси бошқаруви аъзоси – **Пракаш Кежривал**

"Сумитомо Корпорейшн" президенти ва катта ижрочи директори – **Кунихару Накамура**

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти минтақавий директори – **Жужанна Якоб**

Европа Парламентининг Марказий Осиё бўйича делегацияси раиси – **Ивета Григуле**

Россия телевидение ва радиоэшиттиришлар уюшмаси раҳбари – **Эдуард Сагалаев**

Цукуба университети президенти – **Кёсукэ Нагата**

Бремен университети профессори – **Хаген Лихтенберг.**

Таъзияномалар келиши давом этмоқда.

"БОИНГ – ФУҚАРО САМОЛЁТЛАРИ" КОМПАНИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев 2016 йил 7 сентябрда "Боинг – фуқаро самолётлари" компанияси президенти Рэймонд Коннерни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов вафоти муносабати билан Р.Коннер "Боинг" компанияси номидан Ўзбекистон ҳукумати ва халқига чуқур ҳамдардлик билдирди.

"Боинг" компанияси билан фуқаро авиацияси соҳасида эришилган юқори даражадаги ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли ҳамкорлик мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов қўшма лойиҳаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаганининг самараси экани таъкидланди.

Бугун "Боинг" компанияси Ўзбекистоннинг йўловчи ташийдиган замонавий самолётлар етказиб бериш, улардан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш борасидаги ишончли ҳамкоридир. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси айни пайтда 15 та "Боинг" самолётидан фойдаланмоқда. Миллий авиакомпаниямиз томонидан амалга оширилаётган барча ташувларнинг ярмидан кўпи айнан ушбу ҳаво лайнерлари ҳиссасига тўғри келмоқда ва бу авиакомпаниямизнинг минтақадаги йирик ҳамда жадал ривожланаётган авиакорхоналардан бири сифатидаги ўрнини мустаҳкамлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги арафасида миллий авиакомпаниямиз самолётлари сафига энг замонавий ва шинам "Боинг-787 Дримлайнер" ҳаво кемаси ҳам қўшилди. Мазкур лайнер шу йилнинг 5 сентябридан Урганч, Бухоро ва Нукус шаҳарларига дастлабки парвозларни амалга оширган бўлса, келгуси ҳафтадан халқаро авиайўналишларга қатнай бошлайди. Жорий йилнинг ноябрь ойида эса Ўзбекистонга иккинчи "Дримлайнер" келтирилади.

Мамлакатимизда, жумладан, миллий авиакомпаниямиз ўқув-машғулот марказини комплекс тренажёр ускуналари билан таъминлаш орқали учувчи ва мутахассислар тайёрлаш бўйича ҳамкорликда самарали ишлар олиб борилаётир.

Шу йилнинг январь ойида янги қўшма лойиҳа – "Ўзбекистон Эйрвейз Текникс" авиакорхонаси базасида замонавий самолётлар конструкциясининг йирик композит материалларини таъмирлаш бўйича минтақавий марказ ишга туширилди.

Рэймонд Коннер қўшма лойиҳалар қўллаб-қувватланаётгани учун самимий миннатдорлик билдирди ва у раҳбарлик қилаётган компания ўзбекистонлик ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли ҳамда самарали ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканини таъкидлади.

ЎзА

ДАВЛАТ ВА ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДАГИ ВАКОЛАТХОНАЛАРИГА ТАШРИФ БУЮРДИ

2016 йил 2 сентябрь куни Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқи оғир жудоликка учради: машҳур давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳаётдан кўз юмди. Бу қайғули воқеа нафақат мамлакатимизни, балки бутун дунёни ҳам қалқитди.

Ислом Каримовнинг вафоти муносабати билан мотам изҳори сифатида **Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳи** биноси ёнидаги БМТ байроғи туширилди. Худди шундай тадбирлар БМТ бўлимлари жойлашган Женева (Швейцария) ва Рим (Италия) шаҳарларида ҳам ўтказилди. Шу билан бирга, ташкилотга аъзо барча давлатларнинг байроқлари туширилди.

Ўзбекистоннинг Латвия Республикасидаги элчихонасига мазкур мамлакат Президенти Раймонд Вейонис ташриф буюриб, қуйидагиларни қайд этди:

"Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг вафоти муносабати билан Ўзбекистон халқига латвияликлар ва ўз номимдан чуқур ҳамдардлигимни билдираман.

Ислом Каримов 25 йил давомида давлат раҳбари сифатида мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни жадал ривожлантиришга бебаҳо ҳисса қўшди.

Биз Латвия ва Ўзбекистоннинг икки томонлама ҳамкорлик муносабатлари изчил ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва илгари суриш учун бундан кейин ҳам мамлакатингиз билан биргаликда саъй-ҳаракатларимизни давом эттириш ниятидамиз".

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев Ўзбекистоннинг Бокудаги элчихонасига ташриф буюриб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг вафоти муносабати билан ўзбек халқига ҳамдардлик изҳор этиш асносида қуйидагиларни баён қилди:

"Ислом Каримов мустақил Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти сифатида тарихдан жой олди, — деди И.Алиев. — Мамлакат мустақиллиги ва суверенитетининг қўлга киритилиши, ривожланиши ҳамда мустаҳкамланиши, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳаларда эришилган муваффақиятлар, қардош Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашуви унинг номи билан чамбарчас боғликдир.

Ислом Каримовни Озарбайжонда кўп асрлик дўстлик ва бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватлаш анъаналарини мустаҳкамлашга, икки томонлама муносабатларни шакллантириш ҳамда изчил ривожлантиришга ҳисса қўшган самимий дўст сифатида билишади ва чуқур ҳурмат қилишади.

Ислом Каримовнинг ёркин хотираси қалбларимизда мангу сақланиб қолади".

Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцян Ўзбекистоннинг Хитойдаги элчихонасига ташриф буюрди.

У Президентимиз вафоти муносабати билан Ислом Каримов портрети пойига Хитой ҳукумати номидан гулчамбар қўйди ва таъзия китобига ҳамдардлик сўзларини ёзиб, чуқур қайғудалигини изҳор этди.

"Ислом Каримовнинг вафоти нафақат Ўзбекистон халқи учун улкан йўқотиш, балки Хитой халқи учун ҳам самимий дўстдан жудо бўлишдир. Хитой ҳукумати ва халқи унинг вафоти муносабати билан чуқур қайғуда. Биз Хитой ва Ўзбекистоннинг кенг қамровли стратегик шериклик муносабатлари изчил ривожланишини бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлаш ва илгари суриш ниятидамиз", деди Ли Кэцян.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов вафоти муносабати билан мамлакатимизнинг Исломободдаги элчихонасига **Покистон Бош вазири Навоз Шариф** ташриф буюрди. У таъзия изҳор этар экан, қуйидагиларни таъкидлади:

"Президент Ислом Каримов мустақил сиёсат йўлидан борди ва ўз халқининг ҳақиқий Йўлбошчисига айланди. Унинг донолиги, узоқни кўра билганлиги туфайли Ўзбекистон улкан муваффақиятларга эришди. Ислом Каримовнинг республика тараққиёти ва фаровонлигига қўшган ҳиссаси мамлакат аҳлининг қалбидан алоҳида жой эгаллаган.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Самарқанд шаҳридаги 6-оилавий поликлиника учун янги бино қурилиб, 46 минг аҳолига замон талаблари даражасида тиббий хизмат кўрсатиш имконияти яратилди. Муассасада йигирмага яқин тор мутахассислар учун алоҳида иш кабинетлари, лаборатория ва муолажа хоналари ташкил этилди. "Саломатлик" дастурлари асосида зарур тиббий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди.

• Қашқадарёда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан "Касаба уюшмалари – болаларга" акцияси доирасида "Тозалик, озодалик – саломатлик гарови" тадбири ўтказилди.

• Денов туманида фаолият кўрсатаётган "Чиннигул Дур" масъулияти чекланган жамияти қошида йилига 5 миллион дона ғишт тайёрлашга ихтисослаштирилган корхона ишга туширилиб, 20 нафар коллеж битирувчисининг иш билан бандлиги таъминланди. Корхонанинг қурилиш ашёлари намунали лойиҳалар асосида барпо этилаётган турар жой массивларига етказиб бериляпти.

• Қашқадарё вилоятининг Қарши туманидаги 79-умумтаълим мактабида янги спорт зали фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи эвазига барпо этилган мазкур спорт мажмуаси 36 хилдаги спорт жиҳозлари билан таъминланди. Бу ерда ювиниш, тиббиёт, мураббийлар учун мўлжалланган махсус хоналар ҳам мавжуд.

• Хатирчи туманидаги "Облоқул бобо Ражабов" оилавий корхонаси томонидан гул ва манзарали кўчатларни сақлашга мўлжалланган махсус сопол идишлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ушбу лойиҳа рўёби учун 150 миллион сўмдан ортиқ сармоя йўналтирилди. Пировардида янги иш ўринлари яратилиб, миллий нақшлар туширилган кулоллик маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди.

• Хўжаобод туманидаги "Буюк Турон давомчилари" масъулияти чекланган жамиятида керамик ғишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тез орада мазкур жамият сифатли деворбоп материалларни қўшни давлатларга экспорт қила бошлайди.

ЖАҲОНДА

• Хитойнинг Хунань провинцияси Чжанцзяцзе миллий паркидаги Гранд-Каньон бўйлаб қурилган, узунлиги 430 метр, кенглиги 6 метр, баландлиги 3 метрдан иборат дунёдаги энг узун шиша кўприк вақтинчалик ёпилди. Гап шундаки, ушбу ноёб кўприк 20 август куни тест режимида очилган эди, бироқ 2 сентябрдан эътиборан тизимини дастурий ва қурилмавий жиҳатдан яхшилаш мақсадида вақтинчалик фаолият кўрсатмаяпти.

• Ердаги энг қадимги ҳаёт излари Гренландиядаги тоғ жинсларидан топилди. Уларнинг ёши 3,7 миллиард йилга тенг. Кашфиётни Австралиянинг Вуллонгонг университети олимлари амалга оширди. Тўрт сантиметр ўлчамдаги митти топилмалар – строматолитлар Гренландия жануби-ғарбидаги Исуа формациясида аниқланди. Илгари энг қадимги ҳаёт излари Австралиядан топилган деб ҳисобланарди. Янги кашфиёт ҳаётнинг вужудга келиш санасини 220 миллион йил қадимийлаштирди.

• Германия миграция ишлари муассасаси раҳбари Франк-Юнгер Вайзенинг таъкидлашича, мамлакат ҳукумати йил охиригача Яқин Шарқ давлатларидан 300 мингга яқин муҳожир ва қочқинни қабул қилишни режалаштирмоқда. Вайзенинг айтишича, Германия жорий йилда 250 мингдан 300 минггача қочқинни қабул қилишга тайёргарлик кўрган.

ДАВЛАТ ВА ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДАГИ ВАКОЛАТХОНАЛАРИГА ТАШРИФ БУЮРДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ислом Каримов билан 1992 йилнинг июнь ойидаги биринчи учрашувимиздан буён унга ишончли ҳамкор сифатида муносабатда бўлиб келдим. Унинг ҳаётдан кўз юмиши Покистон учун буюк ва самимий дўстдан жудо бўлишдир.

Унинг оиласига ва ўзбек халқига бу мусибатни енгиб ўтиш йўлида сабр-бардош тилайман".

Мамлакатимизнинг Кобулдаги элчихонасига **Афғонистон Ислом Республикаси миллий бирлик ҳукумати Ижроия кенгашининг раиси Абдулла Абдулла** ташриф буюрди:

"Ислом Каримов ўз халқининг фаровонлиги учун жуда кўп меҳнат қилган нуфузли раҳбар ва севимли арбоб эди.

Ўзбекистон халқига сабр-тоқат, бардамлик ва фаровонлик тилайман".

Республикамиз Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг вафоти тўғрисидаги хабар **Японияда** ҳам чуқур қайғу билан қабул қилинди. **Ўзбекистоннинг Токиодаги элчихонасига Бош вазир ўринбосари, молия вазири Таро Асо** ташриф буюриб, қуйидагиларни таъкидлади:

"Жуда қаттиқ қайғудаман. Ислом Каримов буюк инсон ва Япониянинг ҳақиқий дўсти эди. Мамлакатингизга бир неча маротаба борганман ва у киши билан суҳбатлашганман. Бизга чин дўст бўлган Ўзбекистоннинг шаклланиши ва изчил ривожланиши буюк давлат арбоби Ислом Каримовнинг номи билан боғлиқдир. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли мамлакатда ҳамда минтақада тинчлик ва барқарорлик сақланиб турибди. Республика бундан кейин ҳам муваффақиятларга эришишига ва Япония билан дўстона муносабатларини сақлаб қолишига ишонаман".

Таиланд Қироллиги Бош вазири ўринбосари, мудофаа вазири Правито Вонгсуван бошчилигидаги ҳукумат аъзоларининг бир гуруҳи Ўзбекистон Республикасининг Банкокдаги Бош консулхонасига ташриф буюрди.

Бош консулхона вакиллари билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон мустақиллик йилларида Ислом Каримов раҳбарлигида эришган муваффақиятларга юқори баҳо берилди. Давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаган сиёсати туфайли мамлакатимиз жаҳонда ҳукм сураётган мураккаб шароитда ҳам тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларига эришганлиги таъкидланди.

Ўзбекистоннинг Ашхободдаги элчихонасига **Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередов** ташриф буюрди. "Бугун бутун Туркманистон халқи қардошлари — Ўзбекистон фуқаролари билан бирга мотам тутмоқда. Ислом Каримов мамлакатимиз ва халқимизнинг катта дўсти эди. У давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги тарихий, анъанавий қардошлик алоқаларини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшди.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президентини дунёда нуфузли ва машҳур сиёсатчи, деб билишар эди. Унинг халқаро миқёсдаги ташаббус ҳамда таклифлари глобал ва минтақавий аҳамиятга молик кенг қамровли ва узоқ муддатли дастурларга асос бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг порлоқ хотираси Туркманистон халқининг қалбида абадий сақланиб қолади".

Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сирожиддин Аслов мамлакатимизнинг Душанбе шаҳридаги элчихонасида бўлиб, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти сиймосига юксак баҳо берди.

"Ислом Каримов янги суверен давлат вужудга келган муҳим паллада республикага етакчилик қилгани ҳолда, мамлакат ривожланишининг хусусияти ва мазмунини белгилаб берган машҳур давлат арбоби сифатида тарихдан жой олди. Донишмандлиги ва узоқни кўра олгани туфайли юксак эътирофга сазовор бўлди ва мамлакат ташқарисида дунё тан олган сиёсатчи номини қозонди", деди Тожикистон ташқи ишлар вазири.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Пекиндаги Котибиятида ушбу қайғули воқеа муносабати билан мотам маросими ташкил этилди. ШҲТ Котибияти жамоаси бир дақиқа сукут сақлагани ҳолда, Ислом Каримовнинг хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Бундан ташқари, **Ўзбекистоннинг Хитой Халқ Республикасидаги элчихонасига ШҲТ Бош котиби Рашид Алимов** ташриф буюрди. У атоқли давлат арбоби вафоти муносабати билан чуқур қайғу изҳор этар экан, қуйидаги фикрларни билдирди:

"Ислом Каримов ўз халқининг қалбида ва жаҳон сиёсатида жуда чуқур из қолдирди. Биз унинг номини, эзгулиги ва оқиллигини доимо ёдимизда сақлаймиз. Тарих ва авлодлар бу машҳур давлат арбобининг юксак салоҳиятига муносиб баҳо беришига ишонамиз.

Биз Ислом Каримовнинг Ўзбекистонда самарали сиёсий тизим яратилиши ва кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилишидаги хизматларини қадрлаймиз. Ана шундай омиллар туфайли республика дунёнинг изчил ривожланиб бораётган мамлакатига айланди. Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни сақлашда Ўзбекистон раҳбари катта ўрин тутганини алоҳида таъкидлаш керак.

Ўзбекистон Биринчи Президентининг ШҲТ ривожига қўшган ҳиссаси юқори баҳога сазовордир. Унинг сиёсатчи сифатида узоқни кўра билиши ва дипломатик маҳорати Ўзбекистоннинг 2015-2016 йиллари ШҲТдаги раислиги даврида ҳамда ташкилотнинг Тошкент саммити юқори савияда ўтказилганида яққол намоён бўлди. Ҳиндистон ва Покистоннинг ШҲТга аъзо давлат мақомини олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумлар имзоланиши Тошкент саммитининг муҳим воқеаларидан бўлди".

Ўзбекистон Республикасининг Париждаги элчихонасига ЮНЕСКО Бош директори ўринбосари Эрик Фолт ташриф буюриб, қуйидагиларни айтди:

"Ислом Каримовнинг ҳаётдан кўз юмгани ҳақидаги хабарни чуқур қайғу билан қарши олдим. Бу ўрнини тўлдириб бўлмас йўқотиш муносабати билан ЮНЕСКО Бош директори ва ўз номимдан Ўзбекистон халқига ва Президент оиласига чуқур ҳамдардлик билдираман.

ЮНЕСКО Ўзбекистон ва ташкилот ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорликни ривожлантириш бўйича Президент Ислом Каримовнинг кўп йиллик саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди. Давлатингиз раҳбари ташаббуси билан ижтимоий жабҳа, шу жумладан, таълим тизимини ривожлантириш, Ўзбекистоннинг бой маданий меросини дунёга кенг тараннум этиш борасида муваффақиятларга эришилгани эътиборга сазовордир".

Япония мудофаа вазири Томоми Инада Ўзбекистон Йўлбошчисининг хотирасини ёдга олиб, республикамизнинг Токиодаги элчихонасига келди.

"Ўзбекистонда мустақиллик йилларида Биринчи Президент раҳбарлиги остида мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ва халқаро алоқаларни кенгайтириш йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Бундай йўқотишга қарамасдан, биз Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни бундан кейин ҳам янада мустаҳкамлашга интиламиз.

Халқингизнинг қайғусига шерикмиз ва японияликлар номидан Президентнинг оила аъзолари ҳамда Ўзбекистон халқига чуқур таъзия изҳор этаман".

Ўз навбатида, **Сингапур Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг давлат вазири Жозефин Тео Ўзбекистон Республикасининг Сингапурдаги элчихонасига** келиб, ҳамдардлик китобига ўз таъзияномасини ёзиб қолдирди.

Корея Республикасининг собиқ Президенти Ли Мён Бак бир гуруҳ ҳукумат вазирлари ҳамроҳлигида **Ўзбекистоннинг Сеулдаги элчихонасига** келди. Мамлакатнинг собиқ раҳбари шундай деди:

"Менинг чуқур таъзиямни қабул этгайсизлар. Мен ҳеч қачон дўстимни унутмайман. Яратган унинг оиласи ва Ўзбекистон халқини ўз ҳимоясида асрайди.

Биз Ислом Каримов билан яқин дўст эдик, тез-тез кўришиб турардик. Рўй берган ҳодиса мен учун сира кутилмаган воқеа бўлди. Мен яқин дўстимдан айрилдим".

Ислом Каримов вафоти муносабати билан **Қирғизистон Республикасининг собиқ Президенти Роза Отунбаева** ҳам чин дилдан таъзия билдирди:

"Сўнгги 25 йил давомида биз мураккаб тарихий йўлни босиб ўтдик. Бугун минтақамиз умумжаҳон миқёсида катта аҳамиятга молик эканлигининг шоҳиди бўлиб турибмиз. Ислом Каримов минтақамизнинг энг машҳур сиёсатчиларидан бири, десак, хато қилмаган бўламиз. Мен у билан Қирғизистон ва Ўзбекистонда, хорижий давлатларда, нуфузли тадбирлар, олий даражадаги учрашувларда кўп марта учрашганман. Хусусан, биз Қирғизистон учун қийин ва хатарли даврлар — 2005 — 2010 йиллар оралиғида бир неча бор юзма-юз мулоқотда бўлганмиз. Президент Ислом Каримовнинг қарорлари биз учун ўта муҳим аҳамиятга молик эди. Қирғизистоннинг ўша мушкул вазиятдан чиқиб кетишига Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти шароит яратди, десам, асло хато қилмаган бўламан. Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг тиним билмай ишлаганига қойил қоламиз. Биз минтақамизда шундай раҳбар бўлгани билан фахрланишимиз керак".

Мамлакатимизнинг Токиодаги элчихонасига ташриф буюрган **Япониянинг собиқ Бош вазири, 2020 йилда Токиода бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпиада ўйинларини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита раиси Йоширо Мори** Ислом Каримов портрети олдида бош эгиб, гул қўйди ҳамда ўз ҳамдардлигини таъзия китобида ёзиб қолдирди ва қуйидагиларни таъкидлади:

"Мустақиллик йилларида Ислом Каримов республикани самарали бошқарди ва халқнинг катта ишончини қозонди. Шахсан мен Ўзбекистон Президенти билан бир неча марта учрашганман ва у кишини матонатли ҳамда буюк сиёсатчи сифатида ҳурмат қилганман. Ислом Каримов менга ҳадя этган иккита миллий зарчопон бор. Ҳанузгача уларни асраб-авайлайман, шахсий музейимда бебаҳо бойлик сифатида сақлаяпман.

Ўзбек дўстларимнинг қайғусига шерикман. Ислом Каримовнинг қариндошларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлигимни билдираман".

Республикамизнинг Мадриддаги элчихонасига келган **Испаниянинг собиқ ташқи ишлар вазири Михель Анхель Моратинос** қуйидаги фикрларни билдирди:

"Мен хизмат юзасидан турли даврларда Ислом Каримов билан учрашганман ва ҳамиша унинг халқаро майдондаги вазиятни чуқур билиши ҳамда турли маданиятлар ўртасида келишувни топиш ва мулоқот қилиш қобилиятига қойил қолганман. У замонамизнинг бутун дунёга оид мураккабликларидан, шунингдек, сиёсий ва иқтисодий хавф-хатарларидан воқиф эди. Ислом Каримов мамлакатда ва минтақада хавфсизликни таъминлаш йўлларини тинимсиз қидирган. Унинг вафоти — буюк йўқотиш".

Шу кунларда Ўзбекистон Президентининг вафоти муносабати билан Греция жамоатчилиги ҳам ўзбек халқининг қайғусига шерик. Ушбу давлатнинг ижтимоий-сиёсий, илмий-академик, ишбилармон доираларининг кўплаб вакиллари **мамлакатимизнинг Афинадаги Бош консулхонасига** келиб турибди. Улардан **миллий парламент депутати, "Греция — Ўзбекистон" парламентлараро дўстлик гуруҳи раиси Хайза Зейбек** қуйидаги сўзларни изҳор этди:

"Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов вафоти муносабати билан ўзимнинг чуқур таъзиямни билдираман. Мамлакатнинг гуллаб-яшнаши ва Ўзбекистон халқининг фаровонлиги йўлида давлат раҳбари бошлаган эзгу ишлар келажакда ҳам давом этишини тилаб қоламан".

Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчихонасига келган **Бирлашган Қироллик парламентининг Лордлар палатаси аъзоси, Британия — Ўзбекистон жамияти президенти Фредерик Понсонби** Ўзбекистон раҳбари хотирасига ҳурмат бажо келтириб, қуйидагиларни айтиб ўтди:

"Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда етакчи давлат бўлиб шаклланишида Ислом Каримовнинг хизматлари беқиёсдир. Мамлакат бой маданий меросга эга, ўзининг демократик институтларини ривожлантирмоқда. Мустақилликнинг 25 йили давомида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда улкан тараққиётга эришилди. Ўзбекистоннинг айнан ўзи Президент Ислом Каримовга қўйилган ҳайкалдир".

Буюк давлат арбобидан жудо бўлган ўзбек халқининг мусибатига шерик бўлган **Женева Дипломатия клуби президенти Роберт Блум** БМТ Женева бўлими ҳузуридаги мамлакатимизнинг доимий ваколатхонасига келиб, Ўзбекистон суверен давлат сифатида шаклланишида Ислом Каримовнинг хизматларига юқори баҳо берар экан, қуйидаги фикрларни айтди:

"Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти мамлакатни демократлаштириш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича улкан ишларни амалга оширдики, ўша даврнинг реаллиқлари ҳисобга олинадиган бўлса, бу шубҳасиз, мураккаб ва фавқулодда аҳамиятга молик бўлган миссия эди. Қисқа давр ичида Ислом Каримов республикани том маънодаги мустақил мамлакатга айлантирди.

Ўзбекистон Биринчи Президентининг вафоти республика аҳолиси учун жуда катта йўқотишдир. Ўзбек халқига мамлакатда мустаҳкам тинчликни асрагани ҳолда, ўзининг Етакчиси аниқ-равшан белгилаб берган йўлни давом эттиришини тилайман".

Шаҳриёр ТУРҒУНБОЕВ,
"Жаҳон" АА шарҳловчиси

Юртдошларимиз мустақиллигимиз асосчиси, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасини ёд этиб, бу буюк инсон ишлаб чиққан узоқ йилларга мўлжалланган дастурларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшиш, бу ғояларга содиқ бўлиш ҳақида қалб сўзларини билдирмоқда.

МЕДАЛИМИЗНИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ КЎКСИГА ТАҚМОҚЧИ ЭДИК

Шаҳобиддин ЗОИРОВ, XXXI ёзги Олимпия ўйинлари ғолиби:

– Президентимиз ёшлар билан учрашганда ҳар бирини бағрига босиб, уларнинг буюк келажак барпо этишига ишонишини таъкидларди. Ҳа, Президентимиз биз, ёшларга худди, ота фарзандига, бобо неварасига ишонгандек ишонарди.

Биз, ёшлар ҳам Юртбошимизга суянардик, ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳар бир айтган сўзи, ҳар бир иши бизни руҳлантирар эди. Ана шундай меҳр ва эътибор туфайли ўзбек ёшлари дунё майдонига чиқди, кўксини кериб, дунёнинг манаман деган давлати спортчилари билан тенгма-тенг беллашишга қодир эканини исботлади.

XXXI ёзги Олимпиада олтин медалини қўлга киритдим. Бу медалимни она Ватанимизга, халқимизга, Президентимизга бағишладим. Бу ғалабам юксак баҳоланиб, Юртбошимизнинг 2016 йил 24 августдаги Фармони билан "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони билан тақдирландим.

Президентимиз Ислом Каримовнинг меҳри ва ғамхўрлигини ҳеч қачон унутмаймиз ва бунга жавобан кейинги Олимпиадалар ва нуфузли халқаро мусобақаларда ҳам Ватанимиз байроғи баланд кўтарилиб, мадҳиямиз баралла янграши учун куч-ғайратимизни аямаймиз.

Фазлиддин ҒОЙИБНАЗАРОВ, XXXI ёзги Олимпия ўйинлари ғолиби:

– Президентимиз ҳар бир чиқишида, нутқида ёшларни ўз фарзандидек кўришини айтиб, Ватанни севиш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришга даъвати қалбимизда юртга садоқат, мардлик, шижоат туйғуларини жўш урдирар эди.

Ана шу туйғу мени XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида олтин медални қўлга киритиб, байроғимизни баланд кўтаришга, мадҳиямизни кўз ёш билан тинглашга ундаган.

Президентимиз камтарона ютуғимни юксак баҳолаб, 2016 йил 24 августдаги Фармони билан "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони билан тақдирлади. Афсус, бу мукофотни ўз қўлларидан олиш насиб этмади...

Биз Президентимиз Ислом Каримовнинг номини, хотирасини қалбимизда мангу сақлаймиз.

Шаҳрам ҒИЁСОВ, XXXI ёзги Олимпия ўйинлари совриндори:

– Ҳар сафар бирор хорижий давлатга мусобақага борганимизда, у ерда узоқ қололмаймиз. Мусобақа тугаши билан жонажон Ўзбекистонимизга шошамиз. Чунки жаннатмонанд Ватанимизда мустақиллик йилларида мисли кўрилмаган ишлар қилиндики, натижада ўтган йигирма беш йил ичида юртимиз дунёдаги энг тинч-осойишта давлатга айланди, халқимиз бахтли ва фаровон ҳаёт кечирмоқда, орзу-умидларининг рўёбини кўрмоқда. Бунинг учун мустақиллигимиз асосчиси Президентимиз Ислом Каримовдан миннатдормиз. У кишининг хотираси қалбимизда абадий яшайди.

Президентимиз билан кўришишни болалигимдан орзу қилардим. Телевизорда у кишининг спортчиларни бағрига босиб қўйишини кўрганимда ҳавасим келарди. Шу боис спорт билан жиддий шуғулландим. Мен ҳам чемпион бўлиб, Юртбошимиз билан кўришаман, деб ният қилганман.

XXXI ёзги Олимпия ўйинларида ярим финалга чиққанимда ҳам медални нақд қилганим учун эмас, ана шу орзуимнинг ушалишини ўйлаб, хурсанд бўлгандим. Олимпиадада медаль олсам, Президентимизнинг кўксига тақиб қўяман, деб ўйлагандим.

Олимпиадада бизнинг юксак ғалабамиз, бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг дунёдаги энг кучли жамоа, деб эътироф этилиши ҳам Юртбошимизнинг спортчиларга қаратган эътибор ва ғамхўрлиги, яратган кенг шароит ва имкониятлари туфайлидир.

Юртбошимиз Бразилияда қўлга киритган ютуғимни юксак баҳолаб, 2016 йил 24 августдаги Фармони билан мени "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвонига муносиб кўрди.

Биз, ёшлар Президентимизнинг номини абадий қалбимизда сақлаймиз, ҳар доим бу буюк инсоннинг ишончига муносиб бўлишга ҳаракат қиламиз.

ЎзА мухбири
Байрам АЙТМУРОДОВ
ёзиб олди

Ҳовлидаги сўрида бувим келинлари, неваралари билан қошларига ўсма қўймоқда. Мени кўриб ёнларига чақиришди. Аёл учун буям бир зеб. Ёшлигимиздан бувим қошимизга ўсма қўярди.

– Қошларинг қора бўлсин. Ўсма кўзни равшанлаштириб, турли зарарли моддалардан тозалайди. Қош илдизини бақувват қилиб, тўкилишининг олдини олади, – дейди бувим.

Бувимга қараб туриб юрагим тўлиб кетади. Ҳар гапларида бугунги кунга шукроналар келтиради. Худди осмондан тушгандай тўйиб-тўйиб нафас олади, замонангдай айланай, – деяверади.

– Аёллар барча замонларда ҳам гўзалликка интилиб яшаган. Бизнинг давримизда ўсма, сурма, хинадан бошқа пардоз воситаси бўлмаган, – дея гапга қўшилди онам.

Дарҳақиқат, бугунги кундаги биз фойдаланаётган пардоз воситаларининг қайси бирлари бўлган ўша даврларда?

Мамлакатимизда барча соҳалар сингари косметика, даволаш-косметика маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоғи ҳам кенг ривожланмоқда. Аёллар янада гўзал, бахтиёр, соғлом бўлиши ва турли зарарли таъсирлардан ҳимояланиши учун косметика воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхоналар сони тобора кўпайиб бормоқда.

Илгари мамлакатимизда пардоз воситалари турлари, ишлаб чиқариш корхоналари бармоқ билан санарли даражада бўлган. Ҳозирги кунда дўкон пештахталарида бундай маҳсулотларнинг турини санаб саноғига ета олмайсиз. Парфюмерия ва косметика воситалари ишлаб чиқарадиган корхоналар сони ҳам кўпаймоқда.

Пойтахтимизда жойлашган "Orion skorpion" масъулияти чекланган жамияти ана шундай корхоналардан бири. 2014 йилда фаолият бошлаган мазкур компаниянинг "Krasota plus" бренди остидаги ўттиздан зиёд турдаги шампунь, бальзам, суюлтирилган совун, кремлари истеъмолчиларга яхши таниш. Маҳсулотлар Хитойдан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар асосида ишлаб чиқарилмоқда.

– "Maysara", "Garotino", "Sulton-ul quvvat", "Доктор куркуин", "Silver" каби табиий, айни вақтда маҳаллий хомашёлардан тайёрланаётган маҳсулотларимиз касалликларнинг олдини олиш, организмни турли витаминлар билан таъминлаш, саломатликни мустаҳкамлаш хусусиятига эга, – дейди корхона раҳбари Гавҳар Мўминжонова. – Етти ёшдан етмиш ёшгача бўлганларга мўлжалланган маҳсулотларимиз орасида табиий ўсимликлардан тайёрланган ванна учун туз ва мойларга, айниқса, талаб юқори.

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

ФАРОВОН ЮРТНИНГ ТАДБИРКОР АЁЛЛАРИ

Айни пайтда "Orion skorpion" масъулияти чекланган жамиятида эллик нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг асосий қисми касб-ҳунар коллежи битирувчиларидир.

Мамлакатимизда нафақат аёллар, балки болалар учун экологик тоза даволаш воситалари, гўдаклар кундалик парвариши учун зарур бўладиган парфюмерия маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳам кенг йўлга қўйилган. "Anersid redox", "Picnic", "Off", "Silka putzi", "Алиса", "Попкинси", "Diona" каби номлар остида тайёрланаётган маҳсулотлар фикримизнинг далилидир.

– Корхонамизда болалар ва катталар учун ўн турдаги даволаш ҳамда косметика воситалари ишлаб чиқарилади, – дейди Тошкент шаҳридаги "Jasmin fito fharma" масъулияти чекланган жамияти директори Райҳон Нормуродова. –Маҳаллий хомашё асосида тайёрланаётган, тегишли тартибда лаборатория текширувларидан ўтган маҳсулотларимиз юқори сифати ва табиий тозалиги билан харидорларга манзур бўлмоқда. Сир эмас, юртимизга бир пайтлар бундай маҳсулотлар, асосан, четдан келтирилар, уларни дўконлардан топиш ҳам аммаҳол эди. Истиқлол йилларида биз, тадбиркорлар учун яратилган имкониятлар туфайли бугун ички бозоримизни маҳаллий корхоналар томонидан замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилган, импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош маҳсулотлар эгалламоқда.

Мамлакатимизда косметика усталари касбини оммалаштириш, соҳа мутахассисларининг ижодий маҳоратини баҳолаш, бу борада истеъдодли ёшларни кашф этиш мақсадида ҳар йили "Beauty Expo Uzbekistan" гўзаллик саноати кўргазмаси доирасида декоратив косметика ва нейл-дизайн "Нафосат" танловлари каби қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Бу мамлакатимиз гўзаллик саноати соҳасидаги ютуқларни намойиш этиш, даволаш косметикасининг табиий усулларига аҳолининг эътиборини кучайтириш, табиий маҳсулотлар асосида яратилган пардоз маҳсулотларини кўпайтириш, соҳа мутахассисларининг ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини бермоқда.

Турмуш даражаси юксалгани сари инсоннинг ўзига эътибори ҳам ортиб боради. Озода ва соғлом яшашга, яхши кўринишга ҳаракат қилади. Бугун опа-сингилларимизнинг кийиниши гўзал, пардоз-андози, саломатлиги ва ўзига бўлган ишончи баланд, юзларида ҳаётдан мамнунлик балқиб турибди. Зеро, мамлакатимизда аёлларимиз сифатли парфюмерия маҳсулотлари билан етарлича таъминланган ва улар пардоз-андоз, косметика воситаларидан билиб, ўз ўрнида фойдаланмоқда.

Дарҳақиқат, бугун халқимизнинг турмуш тарзи, дунёқараши, тафаккури, талаб ва эҳтиёжлари бутунлай ўзгариб, турмуш маданияти юксалди. Бундан бир неча йиллар аввал барчамизни ҳайратлантирган кашфиётлар бугун кундалик ҳаётимизда фойдаланиладиган оддий воситага айланди. Бугун ҳар қадамда учрайдиган катта-кичик дўконлар, бозору супермаркетлардаги юзлаб турдаги парфюмерия, косметика ва гигиеник воситаларни кўриб, кўз қувонади. Расталарда тартиб билан жойлаштирилган, ҳар қандай мижознинг диди ва хоҳишига мос исталган машҳур бренд маҳсулотларини, уларнинг хилларини санаб адоғига етиш қийин. Бугун дўконларимизда таклиф этилаётган товарлар энг нозик дид эгасига ҳам манзур бўлади.

Юртимизда хотин-қизларнинг соғлом, гўзал ва мафтункор бўлишларида саноат соҳасининг ҳам ўз ўрни бор. Эндиликда тақдим этилаётган гўзаллик саноатининг маҳаллий ва хорижий маҳсулотлари кўплигидан опа-сингилларимиз қай биридан фойдаланишини билмай шошиб қолмоқда. Танлаш имкони чексизлигидан махсус консультант ёрдамида, ўзимизга мос парфюмерия, косметика ва гигиеник воситаларни харид қилмоқдамиз. Зотан, аёлларни қанчалик улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз.

Шаҳноза МАМАТУРОПОВА

Касаба уюшмалари фаолиятидан

ИЖТИМОИЙ ЛОЙИҲАЛАР ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА

Болалар – бизнинг келажагимиз. Ўсиб келаётган ёш авлодни Ватанимизга муносиб фарзанд қилиб камолга етказишга муҳим эътибор қаратилмоқда. Зеро, Ўзбекистонда болаларни ҳеч кимдан кам бўлмасдан ақли теран, жисмонан соғлом, маънавий олами бой, Ватанга муҳаббат руҳида ўсиб-улғайишлари учун барча шароитлар яратилган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ҳам ўз фаолиятида болалар манфаатларини таъминлаш, меҳнаткашлар фарзандларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоялаш ишларига алоҳида эътибор қаратиб, тизимли ишларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, корхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланаётган жамоа шартномалари орқали меҳнаткашлар фарзандларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, улар саломатлигини мустаҳкамлаш, хорижий тилларни ўрганишларида кўмаклашиш, ўқув қуроллари ва дарсликлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши томонидан ўтказиб келинаётган "Касаба уюшмалари – болаларга" анъанавий акцияси доирасида эса эртамиз эгалари ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, дунёқарашларини кенгайтиришга йўналтирилган тадбирлар амалга оширилмоқда.

Куни кеча Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида "Касаба уюшмалари – болаларга" акцияси ташкил этилиб, унинг доирасида илк бор мактаб остонасига қадам қўйган 12 минг нафар биринчи синф ўқувчилари учун "Тозалик, озодалик – саломатлик гарови" тадбири ўтказилди.

— Мазкур лойиҳадан кўзланган мақсад – болажонларга кичик ёшиданоқ соғлом турмуш тарзи тамойилларини сингдириш, шу мақсадда юз-қўллари, кийим-кечаклари ва ўқув анжомларини озода тутиш, саранжом-саришталикка риоя этиш тартиб-қоидаларини ўргатишдир, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши матбуот хизмати раҳбари Муҳаббат Ўрмонбекова. — Тадбир давомида ўғил-қизларга бу борада тушунтиришлар бериш билан бирга, болажонларни доимо озодаликка чорлаб туриш мақсадида кундалик ҳаётда риоя этишлари лозим бўлган санитария-гигиена қоидалари жамланган эслатма-қўлланма тақдим этилди. Шунингдек, 12 минг нафар ўғил-қизнинг ҳар бирига гигиеник воситалар тўплами ҳадя этилди. Мамлакатимизнинг чекка туманларидаги 290 дан ортиқ қишлоқ мактабларида ташкил этилган ушбу тадбирларда ўйин-мулоқот усулларидан фойдаланган ҳолда атроф-муҳит мусаффолигини сақлашга ундовчи экологик суҳбатлар ўтказилгани албатта келгусида болажонларга асқотади. Шунингдек, юқумли касалликлардан сақланишда шахсий гигиена қоидаларига риоя этишнинг муҳим шартлари тўғрисида тушунтиришлар берилди.

Сергели туманидаги 277-, 237-умумтаълим мактабларидаги тадбир ҳам кўтаринки кайфиятда ўтди. Барча йиғилганлар болаларни табриклаб, уларнинг ўқишларида муваффақият тиладилар. Тадбирлар давомида шифокорлар тозалик, озодаликнинг инсон саломатлигини сақлашдаги аҳамияти ҳақида ўғил-қизларга тушунчалар беришди.

— Юртимизда болаларга берилаётган эътибор ва ғамхўрликлар таҳсинга сазовор, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Сергели туман Кенгаши раиси Феруза Раджапова. — Мазкур тадбирда уларга соғликларига эътибор қаратиш ҳамда спорт билан ҳамнафас бўлиш муҳимлиги тушунтириб ўтилди. Зеро, эртамиз эгаларининг жисмонан соғлом, маънан етук бўлишлари учун бугундан ҳаракат қилишимиз лозим. Яхши анъанага айланган тадбир уларга кўтаринки кайфият бағишлаб, одоб-ахлоқи билан барча ҳавас қиладиган ўқувчи бўлиб камол топишига хизмат қилади.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган хайрли тадбир болалар, ота-оналар ва ўқитувчиларга қувонч бағишлаб, ёш авлодга кўрсатилаётган эътибордан мамнун бўлиб, ташкилотчиларга миннатдорчилик билдиришди.

Зиёда РАСУЛОВА

СОҒЛОМ ОИЛА — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

Бугун юртимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнларда халқимизнинг бой тарихий тажрибаси, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларини ўзида мужассам этган ноёб бошқарув тизими — маҳаллаларнинг фаол иштирокчи сифатида нуфузи тобора ортиб бормоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш, оилаларни мустаҳкамлаш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни қарор топтириш борасидаги ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди.

Бугунги кунда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари маҳаллаларда тарихан таркиб топган миллий қадриятларни ҳамда "обод турмуш" ғоясини кенг тарғиб этиш, маҳалланинг нуфузини янада ошириш, фаолият йўналишларига оид қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашда кенг қамровли ишларни амалга оширмоқдалар.

Ушбу вазифага ҳаёт тажрибасига эга бўлган, аҳолига, биринчи навбатда ёшларга соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий-диний анъаналар ҳамда урф-одатларни ривожлантириш масалаларида ижобий таъсир ўтказа оладиган обрўли ва фаол хотин-қизлар тайинланган бўлиб, ҳозирда улар муваффақият билан иш олиб бормоқдалар.

Маслаҳатчилар томонидан амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни ўрганиш, уларни рағбатлантириш ҳамда бу борадаги ижобий иш тажрибаларини кенг оммалаштириш мақсадида турли тадбирлар, давра суҳбатлари, анжуманлар ва танловлар ўтказиб келинмоқда.

— Танловларнинг оилалар тинчлиги, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, фуқаролар йиғинлари ҳудудида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жамиятда маҳалла институтининг моҳиятини кенгайтириш ва нуфузини янада ошириш бўйича қилинаётган ишларни ўрганиш ва ўзаро тажриба алмашишда жуда катта ўрни бор, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги "Бўстон" маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Фарида Атаметова. — Чунки оила мустаҳкам, тинч, фаровон ва соғлом бўлсагина, жамият барқарор ривожланади. Унинг мустаҳкамлиги оиладаги тинчлик-хотиржамлик, бир-бирига бўлган самимий муносабатлар, оила аъзоларининг ахлоқий тарбиясига боғлиқ. Зотан, хулқ-одоб инсоннинг маънавий қиёфасини ифода этади. Маҳаллада фаолият олиб бораётган маслаҳатчилар буни доимо ёдда тутишлари лозим. Зеро, оиладаги соғлом муҳит, ота-она тарбияси орқали нафақат жамиятнинг бугунги куни, балки унинг истиқболи ҳам белгиланади.

Шоира МУҲАМЕДОВА



"Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилотлари ва "Камалак" болалар ташкилоти фаолият самарадорлигини янада ошириш мақсадида "Камолот" ЁИҲ Чилонзор туман Кенгаши ҳамда қатор ташкилотлар томонидан белгиланган режа асосида иш олиб борилмоқда.

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Бу ҳақда "Камолот" ЁИҲ Чилонзор туман Васийлик Кенгашининг йиғилишида батафсил маълумот берилди.

Йиғилишни туман ҳокими, Васийлик Кенгаши раиси Тоҳир Мирҳидоятов кириш сўзи билан очиб, бугуни кунда туманда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг умумий ўрта таълим мактабларида 32 та, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларда 16 та, олий таълим муассасаларида 3 та, корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич ташкилотлари сони 25 тани ташкил қилишини айтиб ўтди. Бошланғич ташкилотларда 50600 нафар ёшлар Ҳаракат аъзоси сифатида қамраб олинган.

Ўқувчи-ёшлар ўртасида "Камалак" болалар ташкилотининг анъанавий анжумани, "Камалак юлдузлари" болалар ижодиёти фестивали, "Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар" фестивали, "Онажон мўътабар" лойиҳаси, "Камалак" билимдонлари", "Сиз қонунни биласизми?", "Аждодлар мероси – келажак пойдевори" ва "Ҳуқуқ билимдонлари", "Йил сардори" танловлари, "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақаси, "Камолот" шахмат тахтаси" турнири, "Менинг бизнес ғоям" ва "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" танловлари, "Бунёдкор" ёшлар меҳнат ҳаракати, "Талабалар баҳори" фестивали, "Камолот" стипендияси", "Юрт келажаги", "Ҳар бир ёшга бир ниҳол" ва "Камолот-эко" акциялари, футбол бўйича "Камолот" кубоги" спорт мусобақаси, бошланғич ташкилотлар етакчилари Форуми каби йирик лойиҳалар ва тадбирларнинг амалга оширилганлиги ёшларни эзгу мақсадлар сари бирлаштиришда хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Йиғилишда ташкилот фаолиятига оид турли маълумотлар берилди, фикр-мулоҳазалар билдириб ўтилди, — дейди "Камолот" ЁИҲ Чилонзор туман Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвиддинов. — Чилонзор тумани ёшлари ўртасида маънавий-маърифий, ахлоқий-тарбиявий, ижтимоий-сиёсий ишларни янада такомиллаштириш уларни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш ҳамда ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида қатор вазифалар белгилаб олинди.

Жумладан, таълим муассасалари раҳбарлари учун ўқув-семинарлар ҳамда сентябрь-октябрь ойлари давомида барча таълим муассасаларида ҳисобот-сайлов йиғилишларини юқори савияда ташкил этиш, барча умумий ўрта таълим мактабларидаги ўқувчи-ёшларни "Камалак" болалар ташкилоти аъзолигига тантанали равишда қабул қилиш, ҳафтанинг ҳар жума кунини "Камолот" куни" деб белгилаш ҳамда шу куни бошланғич ташкилот фаолиятига доир тизимли тадбирларни амалга ошириш, бошланғич ташкилот хоналарини жиҳозлаш, ёшлар, айниқса вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва назоратсизликнинг олдини олиш, ижтимоий хавфли муҳитда тарбияланаётган болаларнинг маънавий дунёқарашини янада шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратиш муҳимлиги каби масалаларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

(Ўз мухбиримиз)

Қадриятларимиз

УЛУҒ ФАЗИЛАТ

Тўғри йўлга қўйилган хислатлар умуминсоний ахлоқнинг негизини ташкил этади. Инсоннинг ижобий фазилатларига тўғрилик, ростгўйлик, ҳалоллик, яхшилик, самимийлик, меҳнатсеварлик, сахийлик, камтарлик каби хислатлар киради. Жумладан, бировга яхшилик қилиш – олижаноблик белгисидир.

Дунёда ҳар хил тоифали одамлар бор. Бировлар умри давомида бировга яхшилик қилишни хаёлига ҳам келтирмайди. Иккинчилари бировдан яхшилик қайтишига ишончи комил бўлса, шунга яхшилик қилади. Учинчи хиллари ҳеч қандай таъмасиз, моддий манфаат кутмай эркакми-аёлми, ёши катта-кичик эканлигидан қатъий назар самимий яхшилик қиладилар.

Агар бир одам бошқа бировга яхшилик қилиб, қандайдир вақт ўтгандан кейин "фалон вақтда мен сизга шундай яхшилик қилганман" деб таъна қилса, қилган яхшилигининг натижаси бўлмайди.

– Ўзингнинг бировга қилган яхшилигингни яшир, бировни сенга қилган яхшилигини ошир, – деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Бировга қилган яхшилигингни дарёга от, билса балиқ, билмаса ҳолиқ билар, деган гапда ҳам катта маъно бор.


Бировга қилган яхшилик инсофли ва диёнатли инсонларнинг қалбида умр бўйи сақланади. Самимий яхшилик қилган инсонлар дунёдан кўз юмганларидан кейин ҳам ғурур билан тилга олинади. "Шундай яшаш керак-ки, ўлгандан кейин ҳам ўлмаслик керак" деган экан аждодларимиздан бири.

Шоҳида ШОМУТАЛОВА

Спорт янгиликлари







Иордания пойтахтида оғир атлетика бўйича бўлиб ўтган Афро-Осиё чемпионатида иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси пойтахтимизга ғалаба билан қайтди.

ҒАЛАБА БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Аёллар терма жамоасининг имкониятларини синовдан ўтказишни мақсад қилган мураббийлар ўз олдиларига қўйган вазифани ажойиб тарзда бажаришди. Жами бўлиб 7 нафар атлет билан иштирок этган терма жамоамиз аёллар тоифасида 31 мамлакат орасида биринчи ўринни эгаллади. Мусобақада спортчи қизларимиз 7 та олтин, 6 та кумуш ва 3 та бронза медалларини жамғаришди.

– Нуфузли турнирда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилдик, – дейди терма жамоа аъзоси Манзура Мамасолиева. – Чемпионат давомида Ўзбекистон аёллар терма жамоасининг қанчалик юқори салоҳиятга эга эканлиги яна бир карра намоён бўлди. Бу эса юртимизда аёллар спортига берилаётган катта эътиборнинг мевасидир. Насиб этса, келажакдаги мусобақаларда ҳам мана шундай улкан марраларни забт этамиз.

МУХЛИСЛАРНИ ХУШНУД ЭТДИ

Америка Қўшма Штатларида теннис бўйича ўтказилаётган очиқ чемпионатнинг ўсмирлар ўртасидаги беллашувларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган ҳамюртимиз Ҳумоюн Султонов ўз ғалабалари билан мухлисларини хушнуд этди.

Нуфузли мусобақанинг яккалик баҳсларидаги биринчи учрашувини швециялик Йонас Эрикссон Зивертзга қарши ўтказган ўзбек теннисчиси рақибидан 6:3, 6:2 ҳисобида устун келди ва кейинги беллашувни америкалик Улисес Бланчга қарши ўтказди.

Жуфтлик мусобақаларида германиялик Рудольф Моллекер билан жуфтликда ўйнаган Ҳумоюн дастлабки босқичда Хитой Тайпейи вакили Тунг-Лин Ву ва хитойлик Йибинг Ву дуэтини 6:3, 6:4 ҳисобида доғда қолдирди.

ҲАМЮРТИМИЗ БРОНЗА МЕДАЛИ СОҲИБИ

Францияниng Макон шаҳрида ўтказилган спорт курашлари бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг якуний баҳслари ҳамюртимиз Ғуломжон Абдуллаев учун омадли ўтди.

Ўзбекистонлик полвон эркин кураш баҳсларининг 55 килограмм вазн тоифасида бронза медали соҳибига айланди. Муҳим бел олишувида япониялик Такуми Таширога қарши гиламга кўтарилган Ғуломжон рақибини 10:8 ҳисобида мағлубиятга учратди ва мусобақанинг бронза медали билан тақдирланди.

Таъкидлаш жоиз, полвонимиз жаҳон биринчилигининг нимчорак баҳсида Арманистон вакили Мхитар Григорян, чорак финалда озарбойжонлик Афғон Хашалов устидан зафар қучган эди.

Ботир ХЎЖАЕВ

МУҲИМ УЧРАШУВНИ БОШҚАРДИ

Қитъамизда футбол тобора ривожланиб бораётганлигини барча мутахассислару, мухлислар сезиб-билиб туришибди.

Албатта, миллионлар ўйини ривожида учрашув рефериларининг ҳам хизматлари катта.

Куни кеча Қирғизистонда футбол бўйича Қирғизистон – Филиппин миллий терма жамоалари ўртасида назорат-ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди.

Хабарингиз бор, ҳар икки терма жамоа жаҳон чемпионатига саралаш турниридаги иштирокини тўхтатган, аммо қитъа биринчилиги йўлланмаси учун курашни давом эттиришади. Ушбу ўртоқлик баҳси келгуси халқаро турнирларга тайёргарлик вазифасини ўташи аниқ. Қирғизистонда уюштирилган ўртоқлик баҳсини ўзбекистонлик ҳакамлар бригадаси бошқарди. Ўйинга ФИФА рефериси, қитъамизнинг беш карра энг яхши ҳаками Равшан Эрматов бош ҳакам этиб тайинланган бўлса, қанотларда унга ҳамюртларимиз – Абдуҳамидуллоҳ Расулов ва Жаҳонгир Саидовлар ёрдам беришди.

ЁШ ТЕННИСЧИЛАР БАҲСЛАШМОҚДА

Пойтахтимиздаги Республика олимпия заҳиралари теннис мактаби кортларида ўтаётган турнирда юздан ортиқ ўғил-қиз ғолиблик учун куч синашмоқда.

Ўзбекистон теннис федерацияси ва Осиё теннис федерацияси томонидан ташкил этилган мазкур мусобақадан кўзланган мақсад ёшлар ўртасида теннисни янада оммалаштириш ва улар орасидан истеъдодли спортчиларни кашф этишдир.

Ўғил болалар ўртасидаги яккалик баҳсларда Бекзод Расаматов, Акбаршоҳ Шукуров, Расул Нурмуҳамедов, Иброҳим Ўринов, Максим Шин, Азизбек Ниёзов, Азиз Дадабоев ва Қодиржон Одилов биринчи даврада ғалаба қозонди.

Қизлар ўртасида Сетора Нормўродова, Валентина Шлейн, Виолетта Алексеева, Ириса Турсунова, Олеся Ким чорак финал йўлланмасини қўлга киритди.

Ж.ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири

Футбол бўйича Ҳиндистон мезбонлик қиладиган 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионати бошланишига оз фурсат қолмоқда.

ЎСМИРЛАРИМИЗ ЎРТОҚЛИК ЎЙИНЛАРИДА

Ушбу нуфузли турнирда муваффақиятли қатнашишга аҳд қилган Темур Олимхўжаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоамиз Миява шаҳрида Словакия ўсмирлар терма жамоасига қарши 2 та ўртоқлик баҳсида майдонга тушди. Дастлабки баҳс 1:1 ҳисобида якунланди. Словакиялик тенгқурлари билан иккинчи марта куч синашган ўсмирларимиз ҳужумкор ўйин намойиш этишларига қарамай, рақиб дарвозасига йўл топа олишмади.

Қизиқарли ва шиддатли кечган баҳсда томонлар муроса йўлини танлашди. Ўйин 0:0 ҳисобида якунланди.

ХАЙРЛИ ТАШАББУС

Россия пойтахти Москва шаҳрида халқаро футбол мусобақаси бўлиб ўтди.

Собиқ пахтакорчи Марат Кабаев ташаббуси билан уюштирилган ушбу турнирда машҳур спортчилар, футбол юлдузлари, миллий терма жамоа вакиллари, талабалар Туркия, Саудия Арабистони, Ўзбекистон, Эрон, Тожикистон, Озарбойжон ва бошқа мамлакатларнинг Россиядаги элчихоналари ходимларидан таркиб топган жамоалар ғолиблик учун ўзаро кураш олиб боришди. Шуниси эътиборлики, ушбу тадбирнинг ҳар бир иштирокчиси футбол юлдузларидан ташкил топган жамоа таркибида ўйнаш имкониятига эга бўлди. Футбол шоу мақомига эга бўлган халқаро миқёсдаги мусобақа якунида барча иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

"101"

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНГ

Аксарият ёнғинларнинг келиб чиқиш сабаблари ёш болаларни назоратсиз уйда ёлғиз қолдиришимиз, газ ёки электр мосламаларидан нотўғри фойдаланишимиз натижасидадир.

Оддий бўлиб кўринган гугурт, газ ва электр мосламаларидан фойдаланганда лоқайдлик ва эътиборсизлик натижасида турли хил кўнгилсиз ҳодисалар юз бериши мумкин. Ўз уйимиз ва яқинларимиз ҳаёти ва саломатлигимиз ўз қўлимизда эканлигини унутмаслигимиз керак. Тошкент Метрополитенини қўриқлаш бўйича ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси ходимлари томонидан йил бошидан буён метрополитен объектлари, бекатларида ва электр деполарида хизматчи-ходимлар билан учрашувлар, ёнғин хавфсизлиги мавзусида эшиттиришлар, бирламчи ёнғин ўчириш воситаларидан фойдаланиш қоидалари ва фавқулодда ҳолатларда хизматчи ходимларнинг ҳаракатлари тўғрисида ҳамда ёнғин хавфсизлиги мавзусида йўриқнома ва суҳбатлар ўтказилиб, ёнғин хавфсизлиги бурчаклари ташкил қилинган. Метрополитен ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси ходимлари билан ҳамкорликда кўнгилли ёнғин ўчириш дружиналари билан ёнғин ўчириш амалий тактик машғулотлари ўтказилмоқда. Метрополитен бекатлари ва электр деполарининг ёнғинга қарши ҳолати ўрганиб чиқилиб камчиликларни бартараф этиш учун ёзма кўрсатмалар тақдим этилмоқда. Шундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида барчани доимо ҳушёрликка, огоҳликка чақирамиз ва қуйидаги талабларга риоя қилишингизни сўраймиз:

— носоз электр мосламаларидан фойдаланмаслик;

— электр чироқларини ёниқ ҳолда назоратсиз қолдирмаслик;

— белгиланмаган жойларда тамаки (сигарета) маҳсулотларини чекмаслик;

— хонадан чиқишда электр иситиш печкаларини назоратсиз қолдирмаслик;

— қисқа туташув ёки тутун исини сезганда дарҳол ёнғин хавфсизлиги хизмати "101" га хабар беришингизни сўраймиз.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, олов билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Ўз уйингни ўзинг асра, шиори ҳар бир фуқаро, ҳар бир хонадон ва ҳар бир корхона жамоасига тааллуқлидир.

М.ҲАЙДАРОВ,
Тошкент Метрополитенини қўриқлаш бўйича ИИБ ЁХБ инспектори, сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Олмазор туман СИБ томонидан, ФИБ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2016 йил 8 февралдаги 824/16-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Сағбон 15-тор, 1-берк кўчаси, 23-А-уй манзилида жойлашган умумий майдони 121,24 кв.м, яшаш майдони 36,54 кв.м бўлган, бир дона яшаш хонаси тақроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 118 250 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2016 йил 30 сентябрь куни соат 12:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 28 сентябрь куни соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko`chmas Mulk Savdo Xizmati" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел/Факс: 228-80-23. www.1kms.uz.

Лицензия: RR-0001.

Тошкент Тиббиёт академиясининг ректорати ва касаба уюшмаси Тошкент Тиббиёт академиясининг умумий ва болалар жарроҳлик кафедраси профессори Улуғбек Юсуфжонович Эргашевга отаси

Юсуфжон Ҳақбердиевич ЭРГАШЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР/ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Auto Gold Grant" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириб бориш тартибида 2016 йил 26 сентябрь куни соат 11.00да бўлиб ўтадиган тақроран аукцион савдосига: Суд департаментининг Тошкент шаҳар Олмазор туман суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган: 1. 22.05.2013 йилдаги 1-195/13-сонли ижро ҳужжатига кўра Лада 210740 русумли, кулранг, 2010 йилда и/ч, т/с, д/б 01 M836MA бўлган енгил авто-на б/б - 22 995 680 сўм. "Working price" МЧЖда сақланмоқда. 2. 24.05.2016 йилдаги 1-395/15-сонли ижро ҳужжатига ГАЗ 330202-288 русумли, оқ рангли, 2010 йилда и/ч, т/с, д/б 01 016MBA бўлган юк авто-на б/б – 60 000 000 сўм. 3. 24.05.2016 йилдаги 1-395/15-сонли ижро ҳужжатига кўра Нексия русумли, қора рангли, 2009 йилда и/ч, т/с, д/б 01 T434DA бўлган енгил авто-на б/б – 37 000 000 сўм. 4. 24.05.2016 йилдаги 1-395/15-сонли ижро ҳужжатига кўра Ласетти-2 CDX русумли, оқ рангли, 2009 йилда и/ч, т/с, д/б 01 101 MAA бўлган енгил авто-на б/б - 65 000 000 сўм. 5. 24.05.2016 йилдаги 1-395/15-сонли ижро ҳужжатига кўра DAF 95 XF русумли, кўк рангли, 2002 йилда и/ч, т/с, д/б 01 835 XCA бўлган юк авто-на ва SEM русумли, оқ рангли, 1987 йилда и/ч, т/с, д/б 01 5725 AA бўлган ярим тиркама б/б - 231 000 000 сўм. Юқорида келтирилган автотранспорт воситалари "Hush Nur Biznes" МЧЖ омборхонасида Тошкент ш., Олмазор т., Уста Ширин 1-тор кўчаси, 20-уйда сақланмоқда. Ушбу автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аризаларни қабул қилиш 2016 йил 26 сентябрда ўтказиладиган аукцион савдоси учун 2016 йил 23 сентябрь соат 18:00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача (соат 13.00-14.00гача тушлик) аризаларни қабул қилиш манзилида ёки www.agg.uz веб-сайт орқали қабул қилинади.

Талабгорлардан савдода иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши сўралади: савдо ташкилотчиси билан тузиладиган "закалат тўғрисидаги келишув"га асосан закалат пули тўланганлиги тўғрисида тўлов ҳужжат нусхаси, ариза, вакиллар учун ишончнома. Мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Auto Gold Grant" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли банк" Миробод филиалидаги 2020 8000 8004 2284 9004 ҳисоб рақамига МФО: 01101, ИНН: 303136943 тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиш ва аризаларни қабул қилиш манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: 232-02-96

Гувоҳнома №05791

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида ***9 сентябрь*** *куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 16-18, кундузи — 30-32 даража иссиқ бўлади.*

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, ***9 сентябрда*** *Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9294

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 955

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4875 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 14.50

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ